XALQ DEPUTATLARI PESHKO' TUMAN KENGASHI QARORI

2022 - yil 4 - aprel VI-46-49-2-39-K/22 Peshku tumani hokimligi

Пешку тумани бўйича 2022 йилда қишлоқ хўжалигида мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахсларнинг ер солиғи ставкаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 429 ва 437-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги " Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида" ПФ-6121-сонли Фармони ҳамда Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашининг 2022 йил 1 февралдаги "Бухоро вилояти бўйича 2022 йилда қишлоқ хўжалигида мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахсларнинг ер солиғи ставкаларига ҳамда юридик шахслар учун мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларнинг 1 кв.метр учун белгиланадиган минимал миқдорига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги VI-49-11-2-0-K/22-сонли қарорига асосланиб, Пешку тумани бўйича қишлоқ хўжалигида мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахсларнинг 2022 йил учун солиқ ставкаларини тартибга солиш мақсадида Халқ депутатлари Пешку тумани Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашининг 2022 йил 1 февралдаги VI-49-11-2-0-K/22-сонли қарорига асосан Пешку туманида юридик шахсларнинг қишлоқ хўжалигида мўлжалланмаган ерлари базавий солиқ ставкаси 1 гектар учун мутлақ миқдори 21 867 000,0 сўм ҳамда жисмоний шахсларга 1 кв.м учун базавий солиқ ставкасининг мутлақ миқдори 193,0 сўм белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимлиги молия бўлими ҳамда туман давлат солиқ инспекциясининг маҳалла фуқаролар йиғинларининг иқтисодий ривожланганлик даражаси ҳамда келгуси йил учун белгиланган туман маҳаллий бюджет прогнозидан келиб чиқиб маҳалла фуқаролар йиғинлари бўйича 2022 йилда туман бўйича юридик ва жисмоний шахсларнинг базавий ер солиғи ставкаларининг мутлоқ миқдорларига нисбатан камайтирилувчи ва оширилувчи коэффициентларни қўллаш бўйича таклифлари инобатга олинсин.

3. Маҳалла фуқаролар йиғинлариниг иқтисодий салоҳияти ва ривожланишига қараб, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича 2022 йилда Пешку тумани учун мутлоқ миқдорда белгиланган ер солиғининг базавий солиқ ставкаларига қўлланиладиган коэффициентлар миқдорлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Маҳалла фуқаролар йиғинлариниг иқтисодий салоҳияти ва ривожланишига қараб, жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) 2022 йилда Пешку тумани учун мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига қўлланиладиган коэффициентлар миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Халқ депутатлари Пешку туман Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги “Пешку тумани бўйича 2022 йил учун жисмоний ва юридик шахсларнинг ер солиғи ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-43-72-2-39-K/21-сонли ва VI-Халқ депутатлари Пешку туман Кенгашининг 2022 йил 25 февралдаги VI-45-23-2-39-K/22-сонли қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Туман ҳокимлиги ушбу қарор билан маъқулланган Пешку тумани бўйича 2022 йил учун жисмоний ва юридик шахсларнинг ер солиғи ставкаларини оммавий ахборот воситаларида ва туман ҳокимлигининг расмий вебсайтида эълон қилсин.

7. Мазкур қарор бажарилишининг назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **В.Каххоров**

Xalq deputatlari Peshku tuman Kengashining
2022 yil 4 apreldagi
VI-46-49-2-39-K/22-son qaroriga
1-ilova

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича 2022 йилда Пешку тумани учун мутлоқ миқдорда белгиланган ер солиғининг базавий солиқ ставкаларига қўлланиладиган коэффицентлар

т.р	МФЙ номи	Юридик шахслар учун ер солиғи ставкаси 2022 йил учун	
		Коэффицент миқдори	Солиқ суммаси (1 га. учун сўмда)
1	Янгибозор	1,02	22 304 340,0
2	Мустақиллик	1,02	22 304 340,0
3	Чиқирчи	1,02	22 304 340,0
4	Малишояк	1,02	22 304 340,0
5	Боғимусо	1,02	22 304 340,0
6	Навбахор	1,02	22 304 340,0
7	Валфажир	1,02	22 304 340,0
8	Ибн - Сино	1,02	22 304 340,0
9	Садир	1,02	22 304 340,0
10	Дейча	1,02	22 304 340,0
11	Зандане	1,02	22 304 340,0
12	Бобохожи	1,00	21 867 000,0
13	Хоркаш	1,00	21 867 000,0
14	Қорақалпоқ	1,00	21 867 000,0

15	Дўстлик	1,00	21 867 000,0
16	Янгиобод	1,00	21 867 000,0
17	Хўлбор	1,00	21 867 000,0
18	Махаллайи миришкор	1,00	21 867 000,0
19	Сўсана	1,00	21 867 000,0
20	Талисобун	1,00	21 867 000,0
21	Навоий	1,00	21 867 000,0
22	Қалъа	1,00	21 867 000,0
23	Ўзбек	0,98	21 429 660,0
24	Варахша	0,98	21 429 660,0
25	Туркистон	0,98	21 429 660,0
26	Куёвхўжа	0,98	21 429 660,0
27	Обиджўжа	0,98	21 429 660,0
28	Навгахон	0,98	21 429 660,0
29	Шавгон	0,98	21 429 660,0
30	Чибоғони	0,98	21 429 660,0
31	Ўғлон	1,00	21 867 000,0
32	Қучоқ	1,00	21 867 000,0
33	Хуррам	0,98	21 429 660,0
34	Пешкў	1,00	21 867 000,0
35	Гулистон	0,98	21 429 660,0
36	Камолот	0,98	21 429 660,0
37	Жонгелди	1,00	21 867 000,0

Xalq deputatlari Peshku tuman Kengashining
2022 yil 4 apreldagi
VI-46-49-2-39-K/22-son qaroriga
2-ilova

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) 2022 йилда Пешку тумани учун мутлоқ миқдорда 1 кв.м учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига қўлланиладиган коэффицентлар

т.р	МФЙ номи	Жисмоний шахслар учун ер солиғи ставкаси 2022 йил учун	
		Коэффицент миқдори	Солиқ суммаси (1 кв.м учун сўмда)
1	Янгибозор	1,02	197,0
2	Мустақиллик	1,02	197,0
3	Чиқирчи	1,02	197,0
4	Малишояк	1,02	197,0
5	Боғимусо	1,02	197,0
6	Навбахор	1,02	197,0
7	Валфажир	1,02	197,0
8	Ибн - Сино	1,02	197,0
9	Садир	1,02	197,0
10	Дейча	1,02	197,0
11	Зандане	1,02	197,0
12	Бобохожи	1,00	193,0
13	Хоркаш	1,00	193,0
14	Қорақалпоқ	1,00	193,0

15	Дўстлик	1,00	193,0
16	Янгиобод	1,00	193,0
17	Хўлбор	1,00	193,0
18	Махаллайи миришкор	1,00	193,0
19	Сўсана	1,00	193,0
20	Талисобун	1,00	193,0
21	Навоий	1,00	193,0
22	Қалъа	1,00	193,0
23	Ўзбек	0,98	189,0
24	Варахша	0,98	189,0
25	Туркистон	0,98	189,0
26	Куёвхўжа	0,98	189,0
27	Обиджўжа	0,98	189,0
28	Навгахон	0,98	189,0
29	Шавгон	0,98	189,0
30	Чибоғони	0,98	189,0
31	Ўғлон	1,00	193,0
32	Қучоқ	1,00	193,0
33	Хуррам	0,98	189,0
34	Пешкў	1,00	193,0
35	Гулистон	0,98	189,0
36	Камолот	0,98	189,0
37	Жонгелди	1,00	193,0